

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАТОВ ҲАСАНБОЙ МИРЗАХМЕДОВИЧ

**СЕЙСМИК РИСКНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА АНГРЕН-ПОП
ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ
ОШИРИШГА ОИД ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАР ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on technical sciences**

Нурматов Хасанбой Мирзахмедович

Сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линияси салоҳиятини баҳолаш ва уни оширишга оид ташкилий-техник ечимлар ишлаб чиқиш..... 3

Нурматов Хасанбой Мирзахмедович

Оценки потенциала железнодорожной линии Ангрен-Пап по снижению сейсмического риска и разработка организационно-технических решений по его повышению 21

Nurmatov Khasanboy Mirzaxmedovich

Assessing the potential of the Angren-Pap railway line to reduce seismic risk and developing organizational and technical solutions to increase it..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАТОВ ҲАСАНБОЙ МИРЗАХМЕДОВИЧ

**СЕЙСМИК РИСКНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА АНГРЕН-ПОП
ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ
ОШИРИШГА ОИД ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАР ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1884 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сулайманов Суннатулла Сулайманович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муртазаев Қувандик Мустафаевич
техника фанлари доктори, доцент

Янгибоев Хуршидбек Нурмухаммад ўғли
техника фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Етакчи ташкилот:

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий Кенгашнинг 2026 йил 16 январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54. e-mail rektorat@tstu.uz, tashiit@exat.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (307 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-04-39.

Диссертация автореферати 2025 йил 24 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 24 декабрдаги 15-рақамли реестр баённомаси).

Р.В. Рахимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Р.С. Разиков

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда транспорт йўлакларининг ташиш жараёнларидаги сейсмик хавфсизлигини таъминлаш ва иншоотларни сейсмик мустаҳкамлигига бўлган ишончини орттириш мақсадида зилзиладан эрта огоҳлантириш чора-тадбирларини кўллаш асосида объектларда юзага келадиган сейсмик хавфларни мониторинг қилиш тизимларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Швеция каби мамлакатларнинг темир йўл транспортида “...зилзилалар кузатилиши натижасида инфратузилмага зарар етказилиши 20% ни ташкил этиши ва поездлар ҳаракати 3-17 суткага тўхтатилиши..”, ҳисобга олинса, инфратузилманинг сейсмик рискларни башоратлаш учун илғор инновацион технологиялардан фойдаланиш, сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг миллий огоҳлантириш тизимини яратиш ва улар сценарийлари асосида рисклар оқибатлари кўламини аниқлаш, баҳолаш ҳамда янги хавфсизлик стандартларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, темир йўл объектларининг сейсмик салоҳиятини ошириш, ташиш жараёнида техник-иқтисодий ҳаражатларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда юқори интенсив сейсмик фаоллик туфайли юзага келадиган зарарларни минималлаштириш, рискларнинг олдини олиш, эрта огоҳлантириш тизимини юритиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган объектларда зилзила таъсири натижасида юзага келадиган сейсмик рисклар кўламини тадқиқ этиш, объектларнинг шикастланиш эҳтимолини хавфсизлик таҳлили тузилмаси асосида баҳолаш ҳамда тегишли сценарийларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар устувор аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, сейсмик рисклар сценарийлари асосида объектларда рискларнинг юзага келиш жараёнини камайтиришга қаратилган математик моделларни ишлаб чиқиш, эҳтимолий талофатларни минималлаштириш, шунингдек, вертикал ва горизонтал силжишлар таъсирида юзага келадиган хавфларнинг оқибатларини юмшатишга хизмат қилувчи эрта огоҳлантириш тизимларини яратиш ҳамда сейсмик фаоллик таъсир кўламини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда транспорт тизимини жадал ривожлантириш, шу жумладан, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда жойлашган объектларда зилзила туфайли юзага келадиган сейсмик рискларни камайтириш бўйича салоҳиятни ошириш, юк ва йўловчи поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “... фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва тезкор бартароф этиш бўйича чора-тадбирларни тизимлаштириш, ... фавқулодда вазиятларни бартароф этиш

тадбирлари самарадорлигини ошириш., ... аҳолини фавқулодда вазиятларда хабар бериш тизимини модернизациялаш”¹ ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “... халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизими билан интеграциялашув асосида Республикада кучли zilzilалар ҳақида барвақт огоҳлантириш миллий тизимини жорий қилиш”² бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Ушбу мақсадларга эришишда, жумладан, темир йўл транспорти инфратузилмасининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган объектларда zilзила таъсирида юзага келадиган сейсмик riskлари кўламини аниқлаш, баҳолаш ва эрта огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 13 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-713-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги “Бино ва иншоотларнинг zilзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-161-сонли қарори, 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари дастурининг 10-банди “Юқори тезликдаги транспорт воситалари, уларни интеллектуал бошқарув технологияларини яратиш” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Zilзила фавқулодда вазият туғдирадиган хавфли табиат ҳодисалари қаторига киради ва унинг келиб чиқиш сабаблари, сейсмик riskни техносфера тизимига таъсири оқибатлари бутун дунё олимлари томонидан кенг ўрганиб келинмоқда.

Темир йўл объектларининг сейсмик қаршилигини баҳолаш, қурилиш фаолиятининг riskларини бошқариш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Такахиرو Хагивару, Такаши Саито, Гони Ягода-Биран, Тидеманн, Ганс-Юрген Генрих, В.И. Кейлис-Борок, Т.Л. Кронрод, Г.С. Ли, Х.Г. Хоуснер, Г.М. Молчан, С.С. Тимофеева, С.В. Медведев, А.Ю. Чаускин, О.А. Сахаров, Г.А. Соболева, К.С. Сергин, В.И. Коробкин, Т.В. Суконникова, Н.И.Фролова, Н.В. Шебалин, В.С. Воробьев, И.В. Горбунова, Г.А. Рушанская, А.В. Петрушин, Г.С. Шестоперов, П.П. Васильев, А.С. Гринин, Н.А. Махутов, Д.О. Резников,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони.

А.Н. Жилин, Т.А. Мамаева, В.А. Кузнецов., В.П. Шевелев, А.А. Гринько ва бошқалар.

Зилзила таъсирига чидамли бино-иншоотлар қуриш, темир йўл кўприкларини махсус сейсмик ҳимоя қилиш, сейсмиклиги юқори бўлган ҳудудларда қурилиш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан, В.А. Исмаилов, Ш.И. Ёдгоров, А.С. Хусомиддинов, Э.М. Ядигаров, Ш.Б. Авазов, К.Н. Абдуллабеков, Р.С. Ибрагимов., О.Р. Ибрагимов, К.С. Карапетова, Д.Н. Рустамович, С.А. Абдурахманов, Т.С. Валиев, С.М. Касымов, Л.Т. Плотникова, Н.Г. Мавлянова, Р.Ш. Инагамов, А.Р. Холдорев, Д.В. Иномов, Т.К. Аманкулов, Н.О. Оразымбетов, С.А. Шанин, В.И. Уломов, А.А. Абдукадыров, Т.У. Артыков, Р.П. Фадинова, А.Н. Султанходжаев, Г.Ю. Азизов, И. Рахманов, Г. Искандаров, З.С. Дадабоева, М.А. Ахмедов, С.С. Сулайманов, У.З. Шермухамедов, Ш.Х. Абдазимов ва бошқа олимлар шу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар.

Шу билан бирга, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан ўтган Ангрэн-Поп темир йўл линиясининг салоҳиятини баҳолаш, зилзила туфайли юзага келадиган сейсмик рискни баҳолаш, фавқулодда вазиятларда сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини ошириш ва инновацион техник ечимлар ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти “2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури” мақсадларига Ўзбекистонда эришиш стратегиясини 2019-2030 йиллар дврида амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режасига киритилган “Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи ва улар етказиши мумкин бўлган зарарни баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш” ва “Қорхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш” тадбирлари доирасида Тошкент давлат транспорт университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган мавзу бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрэн-Поп темир йўл линиясининг салоҳиятини баҳолаш ва уни оширишга қаратилган илмий асосланган ташкилий-техник ечимлар ишлаб чиқиш орқали фавқулодда вазиятларда хавфсизликни оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон темир йўл транспортининг объектлари жойлашган ҳудудларнинг сейсмик фаоллик кўрсаткичлари асосида Ангрэн-Поп темир йўл линиясидаги сейсмик рискларни вужудга келиш манбалари ва бардошлилигининг таҳлили;

Ангрэн-Поп темир йўл линиясининг инфратузилмаси объектларида зилзила туфайли юзага келадиган сейсмик рискни баҳолаш;

темир йўл инфратузилмаси объектларини сейсмик рискни камайтириш сценарийларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

Ангрен-Поп темир йўл линиясининг инфратузилмаси объектларидаги нотузилмавий сейсмик рискнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линиясининг салоҳиятини баҳолаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линиясининг салоҳиятни оширишга оид инновацион техник ечимларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида сейсмик хавфли тоғ ва тоғ олди худудларда жойлашган ва фойдаланилаётган Ангрен-Поп темир йўл линиясининг мураккаб техник инфратузилма тизими олинган.

Тадқиқот предмети Ангрен-Поп темир йўл линиясидан фойдаланиш жараёнида сейсмик рискни баҳолаш, башорат қилиш ва камайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар, усуллар ва технологиялар олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тоғ ва тоғ олди сейсмик актив худудлардан ўтган темир йўл линияларидаги сейсмик риск эҳтимоли бўлган объектларнинг, ҳаракатланувчи таркибнинг фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлигига салбий таъсир этувчи кўрсаткичларини баҳолаш услубларини такомиллаштиришга оид назарий прогностик таҳлил, математик статистика, графлар назарияси ва моделлаштириш, эксперт баҳолаш (анкета-сўров) ҳамда фотохронометраж усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ангрен-Поп темир йўл линиясида жойлашган объектларнинг сейсмик рисклар вужудга келиш манбаларида хавфсизликни таъминлашнинг ўзига ҳос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, юқори даражадаги сейсмик фаоллик туфайли юзага келадиган рисклар кўламининг тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашган темир йўл объектларига таъсири хавфларнинг ўзгариш динамикаси ёрдамида асосланган;

сейсмик фаоллиги юқори бўлган темир йўл линиясида жойлашган объектларда зилзила туфайли зарар етказилиши кутилаётган иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рискларни бошқариш сценарийларининг хавфсизлик таҳлили тузилмаси асосида сейсмик рисклар эҳтимолини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

“Экспериментал ва кузатиш” тадқиқотлари орқали, сейсмик фаоллиги юқори бўлган темир йўл объектларида нотузилмавий элементларнинг зилзила интенсивлиги таъсирида юзага келадиган силжишлари оқибатида пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфли оқибатларини юмшатишга қаратилган эрта огоҳлантириш тизими ишлаб чиқилган;

темир йўл инфратузилмаси объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаракатланувчи таркиблардаги йўловчилар сони ва объектларга етказилиши мумкин бўлган зарарларни ҳисобга олган ҳолда сейсмик фаоллик таъсир кўламини баҳолаш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линиясининг салоҳияти пастлиги тажриба тадқиқотлари маълумотлари асосида тасдиқланган;

замонавий технологиялар асосида сейсмик тўлқинлар сигналини қайта ишлаш ва маълумотларни вайрон қилувчи(кўндаланг) зилзила тўлқинлари тарқалиши тезлигидан бир неча марта юқори тезликда узатиш имконига эга бўлган Эрта огоҳлантириш тизими (ЭОТ) таклиф этилган, ЭОТ қўлланиши орқали зилзила тўлқинлари етиб келишидан олдин автоматик ўчириш имкони яратилиб, моддий йўқотишлар ва инсонлар орасидаги қурбонлар хавфини олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тоғ ва тоғ олди сейсмик актив худудлардан ўтган темир йўл линияси объектларининг фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлигига салбий таъсир этувчи сейсмик рискни баҳолаш услублари назарий прогностик таҳлил, математик статистика, графлар назарияси ва моделлаштириш, эксперт баҳолаш (анкета-сўров) ҳамда фотохронометраж усулларида фойдаланиш орқали тадқиқот натижаларининг юқори ишончлилиги таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизнинг тоғ ва тоғ олди худудлари сейсмик фаоллиги кўрсаткичлари асосида Ангрен-Поп темир йўл линиясида жойлашган темир йўл объектларида сейсмик рискларни вужудга келиш манбалари, бардошлилиги, сейсмик риск оқибатида иншоотлар шикастланиши даражаларини прогнозлашнинг математик модели, сейсмик рискни баҳолаш, нотузилмавий элементларнинг (тоғ жинслари) сейсмик риск таъсирини зилзила интенсивлиги (жадаллиги) қийматига боғлиқлигининг физик-математик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий технологиялар асосида зилзила туфайли юзага келган сейсмик тўлқинларга оид узатиладиган сигнални кучли бузувчи сейсмик тебранишлардан бир неча дақиқа олдин қабул қилиш имконини берувчи Эрта огоҳлантириш тизимини қўлланиши, автоматик ўчириш (поездларни тўсатдан тўхтатиш, светофорларни тақиқловчи сигналини ёқиш, электр энергиясини узиш) орқали моддий йўқотишларни ва инсонлар орасидаги қурбонларни олдини олиши, сейсмик рискларни камайтириш бўйича салоҳиятини кескин ошириш имконини бериши орқали, иқтисодий самарадорлик 1,935 млрд. сўмни ташкил этиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линияси салоҳиятини баҳолаш ва уни оширишга оид ташкилий-техник ечимлар ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишидан олинган натижалар асосида:

сейсмик хавфлар оқибатларини юмшатишнинг эрта огоҳлантириш тизими “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бошқармаси”га жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2025 йил 12 майдаги 4/Е663-сонли маълумотномаси). Натижада, фавқулодда вазиятлар рисклари кўламининг

қисқариши, эҳтимолли моддий йўқотишлар ва инсонлар ўлимининг олди олинишига эришилган;

тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган темир йўл объектларида юзага келадиган сейсмик рисклар эҳтимолини башоратлаш усули, рискларни бошқариш сценарийларининг математик модели, темир йўл объектларининг нотузилмавий элементларини зилзилалар таъсирида силжиш қонуниятларини аниқлаш усули “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бошқармаси”га жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2025 йил 12 майдаги 4/Е663-сонли маълумотномаси). Натижада, рискларни башоратлаш ва уларнинг кўламини ҳисобга олган ҳолда тайёргарлик тадбирларини кўриш ва оқибатларини юмшатиш, нотузилмавий элементларни зилзила таъсирида силжишини олдини олишга қаратилган техник тадбирлар ишлаб чиқишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 1 та хорижий, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 5 та хорижий журналларда (1 та “Scopus” баъзасида), 5 та Ўзбекистон Республикаси ОАК журналларида, 8 та илмий амалий конференция тўпламларида чоп этилган, 1 та Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ учун яратилган маълумотлар базасига гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланиб, объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзунинг ўрганилганлик ҳолати. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида темир йўл транспортининг мамалакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва темир йўл инфратузилмаси объектлари жойлашган ҳудудларнинг сейсмик фаоллиги, дунёда ва Ўзбекистонда сейсмик риск - вужудга келиш манбаи, зарар етказувчи омиллари, оқибатлари, башорат қилиш ва темир йўл транспорти объектларини муҳофаза қилиш, Ангрэн-Поп темир йўл линиясидаги мавжуд объектларнинг сейсмик бардошлилигига оид таҳлил натижаларига тегишли маълумотлар батафсил баён этилган.

Республикамиздаги темир йўlining аксарият қисми тоғли, тоғ олди ва дашт ҳудудларидан ўтган. Бу ерларда тез-тез тошқинлар, кўчкилар, қор кўчкилари эҳтимоли юқори, бу эса ўз навбатида темир йўлга табиий ва техноген таҳдид бўлиб, таъсир этадиган хавфларни кескин ошириб, катта зарарга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар темир йўл инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, подстанциялари, ўтиш жойлари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, галереялар, виадуклар, сув ўтказгичлар ва бошқалар)га фавқулодда вазиятларда оғир талофатлар келтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди юқори даражадаги сейсмик фаоллик зонасида жойлашганлиги билан тавсифланади. Олдинлари ушбу ҳудудларда 7,3-9 балли кучга эга интенсивликдаги zilзила (Андижон, 1902 йил) қайд қилинган, шунингдек Қортоғ zilзиласи (1907 йил), Пском zilзиласи (1937 йил), Бурчмулла zilзиласи (1959 йил), Тошкент zilзиласи (1966 йил), Газли zilзиласи (1976 йил ва 1984 йил), Товоқсой zilзиласи (1977 йил), Поп zilзиласи (1984 йил) ва Қамаши zilзиласи (1999 йил ва 2000 йил) каби нисбатан кучли zilзилалар рўй берган. Шунингдек, шаҳар ҳудудида амалга оширилувчи қурилишлар zilзила рўй бериш хавфини ошириши қайд қилинади: жумладан, сўнгги 20 – 30 йил давомида шаҳар ҳудудларида zilзилалар рўй бериши сезиларли даражада ортиши кузатилади (Самарқанд шаҳрида – 7 дан 8 баллгача бўлган zilзилалар, Навоий шаҳрида–6, 8–9 балли zilзилалар, Тошкент шаҳрида – 7, 9 балли zilзилалар қайд қилинган).

Zilзилаларни олдиндан башорат қилиш даракчиларининг макон бўйлаб юзага келиши кенг кўламли (минглаб км), ўртача ва кичик ўлчамдаги (юзлаб км) ва маҳаллий (бир неча ўнлаб ва бир км масофада), вақт нуқтаи назаридан эса – узоқ вақт давомийлигидаги (3 – 10 йил), ўртача (3 йилгача), қисқа муддатли (1,5 ойча) ва тезкор (3 кунгача) турларда қайд қилинади. Агар, ҳатто ўртача тезкорликдаги 3 йилгача бўлган олдиндан башорат қилиш натижаларига эга бўлинса, у ҳолда ҳукумат ҳудудда кучли zilзилаларга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақтга эга бўлади ва аҳоли ўртасида юзага келиши мумкин бўлган зарар кўриш даражасини пасайтириш имкониятини кўлга киритади.

Ўзбекистон ҳудуди учун кўп йиллик тадқиқотлар натижалари асосида сейсмоген зоналарнинг учта категорияси ажратиб кўрсатилади, бу ерда келгусида максимал амплитудаси қиймати: $M \leq 7,5$ ва $I \leq 9$ балл; $M \leq 6,5$ ва $I \leq 8$; $M \leq 5,5$ ва $I \leq 7$ баллга тенг бўлган, мос ҳолатда аниқланган сеймотектоник қонуниятларга мувофиқ келувчи zilзилалар қайд қилиниши эҳтимоллиги кўрсатиб ўтилган. Ангрэн-Поп темир йўл линиясидаги мавжуд объектларнинг zilзила жадаллиги бўйича шикастланиш эҳтимоллиги келтирилган ва маълумотлар атрофлича таҳлил қилиниб, улар асосида тадқиқотнинг мақсади шакллантирилган ва вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон темир йўллариининг сейсмик фаоллиги юқори бўлган тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан ўтган Ангрэн-Поп темир йўл линиясидаги мавжуд объектларнинг (кўприклар, темир йўл полотноси, виадуклар, электр таҳсимот коммуникациялари ва бошқалар) сейсмик риск бўйича салоҳияти баҳоланмаганлиги ва уни ошириш йўллари тадқиқ этилмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Сейсмик рискни пасайтириш бўйича Ангрен- Поп темир йўл линиясининг салоҳиятини баҳолашга оид назарий тадқиқотлар” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистоннинг Районлаштирилган сейсмик харитаси маълумотларига кўра Ангрен-Поп темир йўл линияси ўтган ҳудуднинг сеймик ҳавфлилик даражаси МСК шкаласи бўйича 8-9 балл, ер юзасининг максимал тебраниш тезланиши $a_{\max}=50-600$ см/сек² қийматига эга эканлиги, зилзила таъсирида темир йўл транспортида бўлиши мумкин бўлган зарарнинг турлари ва иншоотларининг шикастланиш даражалари келтириб ўтилган.

Келажакдаги зилзилалардан қутилаётган зарарни, аллақачон бўлиб ўтган кучли маҳаллий ҳодисалар натижасида кузатилган зарар асосида ва риск остида бўлган элементларнинг заифлиги тўғрисидаги жаҳон статистик маълумотларига асосланиб, зилзила оқибатида турли даражадаги шикастланган иншоотлар сонини қуйидаги формула билан башорат қилинади.

$$P_j = \sum_{i=1}^n K_{ij} B_{ij} ,$$

бу ерда K_{ij} – i турдаги иншоотлар сони; B_{ij} – i турдаги иншоотнинг j даражали шикастланиш эҳтимоли; n – кўрилаётган турдаги иншоотлар сони

Ангрен-Поп темир йўл линиясидаги бино-иншоотлар MSK-64 шкаласи бўйича зилзиланинг турли интенсивлигида шикастланиш эҳтимоли: 8 баллда 0-даражали 4%, 1-даражали 36%, 2-даражали 50%, 3-даражали 10%, ни ташкил қилади; 9 баллда 1-даражали 4%, 2-даражали 36%, 3-даражали 50%, 4-даражали 10 % ни ташкил қилади.


Темир йўл линияси инфратузилмаси объектларида зилзила туфайли юзага келадиган сейсмик рискни баҳолаш бўйича, темир йўл инфратузилмасининг муҳим объектларини сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини ошириш усуллариининг математик модели ишлаб чиқилган, зилзилалар таъсирида юзага келадиган сейсмик рискнинг таҳлилига оид назарий тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Барча яратилган усуллар учун риск - таҳдид, заифлик ва зарар асосий тушунчалардир. Темир йўл инфраструктураси объектлари ва ҳаракатланувчи таркиб (поезд) учун рискларни таҳлил қилишнинг умумий тартиби, ўрганилаётган (кўриб чиқиладиган) объектга таъсир қиладиган (таъсири мавжуд) таҳдидлар (hazard)ни, объектнинг аниқланган таҳдидларга нисбатан заифликларини (vulnerability), объект заиф бўлганида, шундай ҳолатларда намоён (юзага чиқадиган) бўладиган ҳавфларнинг зарарларини кетма-кет таҳлилларини назарда тутати ва уларни изчил кетма-кетликда ўтказишни ўз ичига олади. Рисклар таҳлилинининг умумий тартибини математик тўпламлар назарияси ёрдамида қуйидагича бирлаштириш мумкин:

$$A_R = A_H \cup A_V \cup A_U ,$$

бу ерда A_R – рисклар тўплами; A_H – таҳдидлар тўплами; A_V – заифликлар тўплами; A_U – зарарлар тўплами.

Темир йўл инфратузилмаси объектлари рисклари таҳлилинини ўтказиш, темир йўл тизимини графлар назариясига асосланган тузилмаси схемасини (1-расм) ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.



1-расм. Темир йўл транспорти объекти(йўл полотноси, кўприк, подстанция, электр таъминот тармоғи, станциялар ва бошқалар)нинг rischi ва хавфсизлик таҳлили тузилмаси: R - риск, H – таҳдид, V - заифлик, U - зарар


Объектнинг заифлиги тасодифий ҳодисалар (бузилишлар) ва бу ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатлари сценарийлари тўплами, яъни тизимнинг сценарий графини тузилиши билан тавсифланади. Бундай ҳолда, объектнинг заифлик параметрлари, турли кўринишдаги ва интенсивликдаги турткиловчи воқеа (ташқи ёки ички)дан кейин тизимда келиб чиқадиган, ривожланадиган авария содир бўлган тақдирда, объектнинг турли охири ҳолатларини юзага келишини шартли эҳтимоллари бўлади. Заифликларни таҳлил қилиш объектнинг охири ҳолатларига етиб келгунга қадар бошланғич ҳодисадан кейин содир бўлган ҳодисалар ўртасидаги воқеалар ва сабаб-оқибат муносабатларини ўрганишни ўз ичига олади.

Тоғли ҳудуддан ўтган темир йўл объектларида сейсмик риск (таҳдид ва зарар) даражаси юқори бўлиши, таъмирлаш ишларининг давомийлиги талофот кўрган иншоотларнинг зарарланиш миқдори, тури, конструкцияси ва шикастланиш даражасига боғлиқлиги, зилзила пайтида темир йўл объектлари, тоғ жинслари мажбурий равишда механик тебрана бошлаши, тебраниш жараёнида иштирок этадиган элементларнинг (тоғ жинслари, қоялар) турғунлик (барқарорлик) шартлари ўзгариши, қияликлар юзасида ички ва ташқи ишқаланиш кучлари таъсирида ҳаракатсиз турган тоғ жинслари массаларининг инерция кучлари юзага келиши, тоғ жинслари турғунлигини таъминловчи умумий кучлар мувозанати бузилиши, қиялик юзасидаги тоғ жинслари 6-7 балл интенсивликдаги зилзила пайтида силжий бошлаши назарий таҳлил этилди.

Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигига ва ҳаракатланувчи таркиб оғирлигига чеклов киритиш заруриятини келтириб чиқарувчи, тоғли ҳудудларда тошлар уюми тўкилиши, тоғ ёнбағридан тўкилган қум, шағал ва катта тош бўлаклари темир йўл изларини тўсиб қўйиб, йўлларни мувофиқ равишда эксплуатация қилишни қийинлаштиради. Ушбу жараёни зилзила интенсивлигига боғлиқлик қонуниятлари ўрганиб чиқилди.

Ноструктуравий хавфларнинг сабаблари ағдарилиш, қулаш ва вайрон

бўлишдир. Агар унинг масса марказидан вертикал равишда туширилган оғирлик вектори таянч майдони (2-расм) ҳосил қилган контур ичидан ўтса ва сирпаниш ишқаланиш кучининг катталиги етарли бўлса, қияликларда жойлашган тоғ жинсларининг ҳолати барқарордир. Зилзила пайтида темир йўл объектлари, шу жумладан, уларнинг конструктив бўлмаган элементлари, тоғ жинслари мажбурий равишда механик тебрана бошлайди.



2-расм. Қияликлар юзида ҳаракатсиз турган тоғ жинслари массаларига таъсир қиладиган ички ва ташқи кучлар схемаси

Тебраниш жараёнида иштирок этадиган элементларни (тоғ жинслари, қоялар) турғунлик (барқарорлик) шартлари ўзгаради, чунки қиялик сиртларида ички ва ташқи ишқаланиш кучлари таъсирида ҳаракатсиз турган тоғ жинслари массаларининг инерция кучлари юзага келади, тоғ жинслари турғунлигини таъминловчи умумий кучлар мувозанати ўзгаради. Бундай ҳолатда, ҳаракатсиз ётган тоғ жинслари элементининг барқарорлиги қуйидаги тенгламалар билан тавсифланади:

$$\begin{aligned}
 F_{mpx} + G_{nox} + P_{onx} &= 0 & M_{mpx} + M_{nox} + M_{onx} &= 0 \\
 F_{mry} + G_{noy} + P_{ony} &= 0 & M_{mry} + M_{noy} + M_{ony} &= 0 \\
 F_{mpz} + G_{noz} + P_{onz} &= 0 & M_{mpz} + M_{noz} + M_{onz} &= 0
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

$$\begin{aligned}
 M_{mpx} + M_{nox} + M_{onx} &= 0 \\
 M_{mry} + M_{noy} + M_{ony} &= 0 \\
 M_{mpz} + M_{noz} + M_{onz} &= 0
 \end{aligned}
 \tag{2}$$

(1) ва (2) формулалар таҳлили шуни кўрсатадики, $F_{mpx} < P_{onx}$ учун структуравий бўлмаган тоғ жинси X ўқи бўйлаб, $F_{mry} < P_{ony}$ - учун Y ўқи бўйлаб, агар $M_{nox} > M_{onx}$ учун структуравий бўлмаган тоғ жинси барқарор бўлса, $M_{nox} < M_{onx}$ учун y ағдарилиб кетади, $M_{noy} > M_{ony}$ учун структуравий бўлмаган тоғ жинси барқарор, $M_{noy} < M_{ony}$ учун y олдинга ёки орқага бурилади. Тузилмавий бўлмаган элементнинг таянч майдонининг геометрик марказига нисбатан масса маркази силжиши билан ағдарилиш эҳтимоли ортади. Инерция кучининг қиймати тўғридан-тўғри тоғ жинси массаси ва зилзила тезланишнинг катталигига боғлиқ бўлиб, бу структуравий бўлмаган тоғ жинсига сейсмик зарбалар беради. Структуравий бўлмаган элементнинг массасига сейсмик зарбаларнинг тезлашишини қуйидаги эмпирик формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$\ln \bar{a} = -0,21 + 0,34 \cdot I \pm 0,33, \text{ см/с}^2; \tag{3}$$

$$\ln \bar{a} = 0,167 + 0,3 \cdot I \pm 0,43, \text{ см/с}^2, \tag{4}$$

бу ерда \bar{a} – ер юзаси тебранишларининг ўртача тезланиши, см/с²; I – сейсмик тебранишлар интенсивлиги, МСК-64 балларида.

Интенсивликнинг қиймати, ўз навбатида, зилзила кучига боғлиқ; зилзила эпицентри билан конструктив бўлмаган қояларда жойлашган тоғ жинслари худудининг жойлашуви ўртасидаги масофа, тупроқ таркиби, ер ости сувлари сатҳи, зилзила манбаи жойлашган жойнинг чуқурлиги бўйича

(3) ва (4) формулаларни қуйидаги шаклда ёзамиз:

$$\bar{a} = 10^{(-0,21+0,34 \cdot I \pm 0,33)}; \quad (5)$$


$$\bar{a} = 10^{(0,167+0,3 \cdot I \pm 0,43)} \quad (6)$$

Ушбу формулалар (5) ва (6) орқали зилзила тебранишларидан юзага келадиган, қияликка боғланмаган, ишқаланиш кучи эвазига барқарор турган тоғ жинсларининг инерция кучларини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$P_{in} = m \cdot 10^{(-0,21+0,34 \cdot I \pm 0,33)}; \quad (7)$$

$$P_{in} = m \cdot 10^{(0,167+0,3 \cdot I \pm 0,43)} \quad (8)$$

Зилзила интенсивлиги 3 дан 7 балларгача (МСК-64) ва структуравий бўлмаган тоғ жинслари массаси 200-8000 кг, улар жойлашган қияликлар бурчаги 0-40 градусгача бўлганда (зилзила тебранишлари частотаси 2-6 Гц), G_m , F_{mp} ва P_{in} кучларининг сейсмик тебранишларнинг тезланишига боғлиқлик қонунияти ўрганилди.



3-расм. Тоғ жинслари элементларига таъсир қилувчи кучларнинг зилзила интенсивлигига боғлиқлиги

Тоғ жинслари элементларининг қияликлардаги барқарорлигини таҳлил қилиш учун (7) ва (8) формулалар ёрдамида олинган ҳисобланган маълумотларга асосланиб, структуравий бўлмаган элементга таъсир қилувчи кучларнинг зилзила интенсивлигининг катталигига боғлиқлиги графиги қурилди (3-расм).

Диссертациянинг “Темир йўл инфратузилмаси объектларининг сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини баҳолашга оид экспериментал тадқиқотлар дастури ва усуллари” деб номланган учинчи

бобида зилзилалар таъсирида яроқсиз ҳолга келиб қолиш эҳтимоллигини ўрганиш дастури, зилзилалар таъсирида яроқсиз ҳолга келиб қолиш эҳтимоллигини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқот объекти, экспериментал тадқиқотлар натижаларини қайта ишлаш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон темир йўлларининг йўловчилар ҳамда юклар ташиладиган асосий йўналишларининг каттагина қисми зилзила частотаси юқори бўлган ҳудудлар орқали ўтади ва темир йўл инфраструктураси объектлари (подстанциялар, разъездлар, станциялар, кўприклар, виадуклар, аквадуклар ва бошқалар) ҳам, табиий равишда, ушбу ҳудудларда жойлашган. Зилзилада икиламчи иқтисодий омилларнинг таъсири натижасида юзага келадиган оқибатлари ва жуда катта зарар етказиш эҳтимоллари санаб ўтилган. Зилзила пайтида транспорт воситаларининг зиён кўриш даражаси уларнинг атмосфера, гидросфера, литосфералар таъсири ҳамда техноген таъсирлар сабабли жисмоний емирилиш ҳолатига, шунингдек, сейсмик ҳудудларда транспорт иншоотлари қурилиши ва назорат қилиниши борасидаги махсус талабларни қай даражада бажарилганлигига боғлиқ бўлади.

Темир йўл инфратузилмаси объектларининг сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини баҳолашга оид кузатув, фотохрометраж, нотузилмали сейсмик риск ҳудудларни аниқлаш, ушбу линияда фаолият юритувчи ишчи ходимларни сейсмик риск бўйича салоҳиятини ўрганишга оид экспериментал тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилди. Сўнги 10 йилларда фойдаланишга топширилган Ангрен-Поп темир йўл линияси иншоотлари кўп сонли ва вазифалари бўйича турлича бўлиб, улар кўприклар, виадуклар, аквадуклар ва тоннеллар мажмуасидан ташкил топган ноёб ва мураккаб элементлари кетма-кет уланган техник тизимдан иборат, ушбу линияда кўплаб кўприклар, виадуклар, аквадуклар ва тоннеллар мавжуд. Биринчидан бу темир йўл иншоотлари қимматбаҳо ноёб иншоотлардир, иккинчидан уларни сейсмик бўйича салоҳиятини етарли даражада эмаслиги, яъни зилзилалар таҳдиди, инфратузилма объектларидаги заифликлар сейсмик риск(зарар) кўламини катта бўлишига, фавқулодда вазиятлар келиб чиқиши эҳтимолини кескин ортишига тўртки бўлади. Ушбу темир йўл линиясининг зилзилалар таъсирида яроқсиз ҳолга келиб қолиш эҳтимолини ўрганиш бўйича олинган космик суратлар унинг денгиз сатҳидан 800-1200 метр баландликда жойлашганлигини кўрсатади. Темир йўл инфратузилмасига тегишли тадқиқот объектларини таҳлил қилиш учун сейсмик рисклар эҳтимоли юқори йўл ўтган ҳудудлар ўрганиб чиқилди ва фотохрометраж ўтказилди. Экспериментал тадқиқотлар, кузатувлар фотохрометраж, анкета-сўров натижаларини қайта ишлашда назарий прогностик таҳлил, математик статистика, графлар назарияси ва моделлаштириш, эксперт баҳолаш (анкета-сўров) ҳамда фотохрометражи усулларида амалий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Ўзбекистон темир йўлларининг йўловчилар ҳамда юклар ташиладиган асосий йўналишларининг каттагина қисми зилзила частотаси юқори бўлган МСК шкаласи бўйича 8-9 баллик зилзила, ер юзасининг максимал тебраниш


тезланиши $a_{\max}=50-600$ см/сек² ҳудудда жойлашганлиги, темир йўл инфратузилмаси объектларини сейсмик таҳдидлар эҳтимоли юқори бўлган жойлари аниқланди.

Тоғ ва тоғ олди сейсмик актив ҳудудлардан ўтган темир йўл линияларининг сейсмик риск эҳтимоли бўлган объектларни ҳаракатланувчи таркибни фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлигига салбий таъсир этувчи кўрсаткичларни баҳолашни, экспериментал тадқиқотлар натижаларини қайта ишлашни назарий прогностик таҳлил, математик статистика, графлар ва моделлаштириш, эксперт баҳолаш (анкета-сўров) ҳамда фото-видеохронометраж усуллари танланди.

Диссертациянинг **“Сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линиясининг салоҳиятини оширишга оид ташкилий техник ечимлар”** деб номланган тўртинчи бобида назарий тадқиқотлар натижаларининг ҳаққонийлигини ўрганиш юзасидан тадқиқот вазифаларига биноан темир йўл инфратузилмаси объектларининг сейсмик рискни баҳолашга оид экспериментал тадқиқотлар натижаларининг таҳлили, алоҳида объектлар учун ишлаб чиқилган техник ечимлар, темир йўл линиясининг сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини оширишга оид техник ечимларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга доир маълумотлар баён этилган.


Ангрен-Поп темир йўл линиясида ўтказилган кузатувлар ҳамда ходимлар билан ўтказилган анкета-сўров натижалари асосида мазкур линиянинг сейсмик риск бўйича салоҳияти паст даражада эканлиги аниқланди. Темир йўл линиясининг сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳияти етарли даражада эмаслиги ушбу ҳудудда zilзила содир бўлган лаҳзаларда темир йўл бўйича ҳаракатланаётган юк ва йўловчи ташиш ҳаракатланувчи таркибларга катта зарар етиш эҳтимоли мавжуд.

Ангрен-Поп темир йўл линиясида сейсмик рискни камайтириш бўйича ҳудудда zilзила содир бўлганда замонавий технологиялар асосида сейсмик тўлқинлар сигналини қайта ишлаш ва маълумотларни zilзила тўлқинлари тарқалиши тезлигидан бир неча марта катта тезликда узатиш имконига эга бўлган Эрта огоҳлантирувчи тизим (ЭОТ) танлаб олинди ва уни амалиётга жорий этиш тавсия этилди (4-расм.).



4-расм. Зилзиладан эрта огоҳлантириш тизимининг схемаси

Зилзила туфайли юзага келган сейсмик тўлқинларга оид узатиладиган сигнал кучли сейсмик тебранишлардан бир неча дақиқа олдин қабул қилиш имкони сабабли (5-расм.), автоматик ўчириш (поездларни тўсатдан тўхтатиш, светофорларни тақиқловчи сигналини ёқиш, электр энергиясини узиш) орқали моддий йўқотишларни ва инсон ўлимини камайтириши ҳамда экологик офатларнинг олди олиниши мумкин .



5-расм. Сейсмик тўлқинларнинг етиб келиш вақтлари

Илмий изланишлар натижаларига кўра зилзила бўлишидан 3 сония олдин огоҳлантириш бахтсиз ҳодисалар ва қурбонлар сонини 14% га, 10 сония олдин – 39 % га, 20 сония олдин – 63%га қисқартириши мумкин.

Жисмоний ва иқтисодий зарарни ҳисоблашда қўлланиладиган сейсмик риск даражаси 90% ли эҳтимол билан 50 йил ичида сейсмик таъсирларнинг юзага келишлигига тўғри келади. Ушбу эҳтимоллик даражаси анъанавий сейсмик рискни лойиҳалаш ва қуришда баҳолаш учун умумий қабул қилинган стандартдир.

Табиий офатлар туфайли зилзила таъсирида кўрилган иқтисодий зарар, темир йўл ҳаракати барқарорлигини ошириш, моддий ва молиявий зарарларни аниқлаш, фавқулодда вазиятлар сценарийси асосида аниқланди.

Сейсмик актив ҳудудларда жойлашган темир йўлда хавфсизликни таъминлаш учун таклиф этилган эрта огоҳлантириш тизимини амалиётга жорий этиш, жумладан тоғли ҳудуддан ўтувчи Ангрен-Поп темир йўл линиясида қўллаш мазкур линиянинг сейсмик рискларни камайтириш бўйича салоҳиятини кескин ошириш имкониятини беради

Ангрен-Поп темир йўл линияси сейсмик актив зонадан ўтганлигини кўпчилик ишчи ходимлар билмаслиги, технологик йўлакларнинг айрим қисмлари махсус машиналарни ҳаракатини таъминламаслиги, зилзила туфайли тош, ер сурилиши ва қор кўчкиси оқибатида темир йўл изларининг тўсилиб қолиш жойлари аниқланмаганлиги, айрим ишчи-ходимлар зилзиланинг иккиламчи оқибатларидан қисман хабардор эканлиги, авария-тиклаш ишлари 6-10 кунни ташкил қилиши тасдиқланди.

Ташилаётган юклар манзилга кечикиб бориш эҳтимоли ўрганилмаган, ходимларга зилзила содир бўлганда юзага келадиган фавқулодда вазиятларда бажариши лозим бўлган вазифалар тақсимланмаган ва аниқ шахсларга

юклатилмаган, темир йўл линияси объектларида зилзила таъсири, иккиламчи хавфлар, муҳофаза чоралари мавжуд эмаслиги, ҳамда зилзилага тайёргарлик бўйича олдиндан бажариладиган тадбирлар, вазифаларни тақсимлаш, ўқув машғулотлари режалари ишлаб чиқилмаганлиги ва ўтказилмаганлиги аниқланди. Сейсмик фаол ҳудудлардан ўтадиган темир йўлларда зилзилани вайрон қилувчи (кўндаланг) тўлқини етиб келишидан олдин хабар берувчи, темир йўлга ихтисослашган, тезкор, автоматик, сезгир, автоном режимда ишлайдиган, сейсмик тизимлар билан интеграцияланадиган эрта огоҳлантириш тизими (ЭОТ) танланди.

Темир йўл линиясининг сейсмик рискни камайтириш бўйича салоҳиятини оширишга оид техник ечим, ЭОТ жорий этишга йўналтириладиган пул маблағларини ҳисобга олмаган ҳолда, корхона ишлаб чиқаришига етказиладиган 1,935 млрд. сўм эҳтимолли зарарни бартараф этади, зилзила оқибатида содир бўладиган авария ва бахтсиз ҳодисалар юзага келиши эҳтимолини кескин пасайтиради, инсонлар ҳаётини ва соғлигини йўқотилишини олдини олади.

ХУЛОСА

“Сейсмик рискни камайтириш бўйича Ангрен-Поп темир йўл линияси салоҳиятини баҳолаш ва уни оширишга оид ташкилий-техник ечимлар ишлаб чиқиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ангрен-Поп темир йўл линиясида жойлашган объектларининг сейсмик рисклар вужудга келиш манбаларида хавфсизликни таъминлашнинг ўзига ҳос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқори даражадаги сейсмик фаоллик туфайли юзага келадиган рисклар кўламнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган темир йўл объектларига таъсири хавфларнинг ўзгариш динамикаси ёрдамида асосланган. Натижада сейсмик хавфли ҳодисаларнинг темир йўл объектлари ва ҳаракатланувчи таркибларга кўрсатадиган зарарларни ўрганиш имконини берган;

2. Сейсмик фаоллиги юқори бўлган темир йўл линиясида жойлашган объектларда зилзила туфайли зарар етказилиши кутилаётган иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рискларни бошқариш сценарийларининг хавфсизлик таҳлили тузилмаси асосида сейсмик рисклар эҳтимолини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Натижада сейсмик хавфлар, объектларнинг заифликлари ҳамда кўриладиган зарарлар миқдорини назарий таҳлил қилиш имкони яратилган;

3. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган темир йўл объектлар сонини ҳисобга олган ҳолда иншоотларда кузатиладиган тебранишлар билан боғлиқ сейсмик рисклар сценарийлари асосида сейсмик фаолликни эрта огоҳлантириш тизимларидан фойдаланиб объектларда рискларни юзага келиш жараёнини камайтириш сценарийларининг математик модели ишлаб

чиқилган. Натижада темир йўл иншотларида зилзиланинг юзага келиш сабаблари, ривожланиши, оқибатларини аниқлаш имконини берган;

4. “Экспериментал ва кузатиш тадқиқотлар” орқали сейсмик фаоллиги юқори бўлган темир йўл объектларида нотузилмавий элементларнинг зилзила интенсивлиги таъсирида юзага келадиган силжишлари оқибатида пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфли оқибатларни юмшатишга қаратилган эрта огоҳлантириш тизими ишлаб чиқилган. Натижада, фавқулодда вазиятлар рисклари кўламининг қисқариши, эҳтимолли моддий йўқотишлар ва инсонлар ўлимининг олди олинишига эришилган;

5. Темир йўл линияси инфратузилмаси объектларида зилзилалар таъсирида юзага келадиган ноструктуравий сейсмик рискнинг назарий таҳлили ўтказилди, тоғ жинслари элементларининг қияликлардаги барқарорлиги ноструктуравий элементга таъсир қилувчи кучларнинг зилзила интенсивлигига боғлиқлиги, тоғ жинслари 6-7 балл интенсивликдаги зилзила пайтида силжий бошлаши аниқланди;

6. Тадқиқот натижалари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бошқармасига” жорий этилган. Натижада, темир йўл объектларига таъсир этувчи зилзила туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятларда хавфларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга эришилган. Умумий иқтисодий самара 1,935 млрд. сўмни ташкил этади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.15/30.12.2022.Т.73.07 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НУРМАТОВ ХАСАНБОЙ МИРЗАХМЕДОВИЧ

**ОЦЕНКИ ПОТЕНЦИАЛА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ЛИНИИ АНГРЕН-
ПАП ПО СНИЖЕНИЮ СЕЙСМИЧЕСКОГО РИСКА И РАЗРАБОТКА
ОРГАНИЗАЦИОННО-ТЕХНИЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ ПО ЕГО
ПОВЫШЕНИЮ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/T1884

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Сулайманов Суннатулла Сулайманович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Муртазаев Кувандик Мустафаевич доктор технических наук (DSc), доцент Янгибоев Хуршидбек Нурмухаммад ўгли доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится 16 января 2026 г. в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.15/31.08.2022.T.73.07 при Ташкентском государственном транспортном университете. Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 307). Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-04-39.

Автореферат диссертации разослан “24” декабря 2025 года
(реестр протокола рассылки № 15 от “24” декабря 2025 года..

Рахимов Р.В.
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Рузметов Я.О.
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Р.С. Разиков
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
к.т.н. доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на транспортных коридорах с каждым годом повышается доверия к предъявляемые к сейсмостойкости сооружений, а также разработке систем мониторинга сейсмической опасности, возникающей на объектах, на основе применения мер раннего выявления землетрясений с целью обеспечения сейсмической безопасности. В развитых странах, как США, Россия, Япония, Китай, Швеция и др. в сфере железнодорожного транспорта “...ущерб инфраструктуре в результате наблюдения землетрясений составляет 20%, а движение поездов приостанавливается на 3-17 суток...”, важно значение приобретает использовать передовые инновационные технологии для прогнозирования сейсмических рисков инфраструктуры, создать национальную систему предупреждения сейсмической безопасности и определить, оценить масштабы последствий рисков на основе их сценариев, а также внедрить новые стандарты безопасности. В том числе, на железнодорожном транспорте особое внимание уделяется повышению сейсмического потенциала железнодорожных объектов, снижению технико-экономических затрат в процессе перевозок.

В мире проводятся научные исследования, направленные на минимизацию ущерба, вызванного высокой интенсивностью сейсмической активности, предотвращение рисков, ведение системы раннего предупреждения и совершенствование метода оценки эффективности. В частности, приоритетное значение приобретают научные исследования по изучению масштабов сейсмических рисков, возникающих в результате воздействия землетрясений на объектах, расположенных в горных и предгорных районах, оценке вероятности повреждения объектов на основе структуры анализа безопасности и разработке соответствующих сценариев. В то же время разработка математических моделей, направленных на снижение процесса возникновения рисков на объектах на основе сценариев сейсмических рисков, минимизация возможных потерь, а также создание систем раннего предупреждения, служащих смягчению последствий рисков, возникающих под воздействием вертикальных и горизонтальных смещений, и совершенствование методики оценки масштаба воздействия сейсмической активности является одной из актуальных научных задач.

В нашей республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по ускоренному развитию транспортной системы, в том числе по повышению потенциала по снижению сейсмических рисков, вызванных землетрясениями на объектах, расположенных в предгорных и горных районах, обеспечению безопасности движения грузовых и пассажирских поездов, в этом направлении достигнуты определенные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в частности, определены приоритетные направления по “...систематизации мер по предупреждению и оперативному ликвидации чрезвычайных ситуаций,... повышению эффективности мероприятий по ликвидации чрезвычайных ситуаций,...

модернизации системы оповещения населения в чрезвычайных ситуациях”³ и в Стратегии “Узбекистан - 2030” “...внедрению национальной системы раннего оповещения о сильных землетрясениях в Республике на основе интеграции с глобальной системой международных сейсмических наблюдений”⁴. Для достижения этих целей одной из важных задач является выявление, оценка и разработка системы раннего предупреждения масштабов сейсмических рисков, возникающих под влиянием землетрясений на объектах, расположенных в горных и предгорных районах инфраструктуры железнодорожного транспорта.

